Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1929 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 110 (8850). ● 3 июнь, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

## Табрик телеграммаси

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Ж. Батмунхни Монголия Халқ-Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари юксак лавозимига қайта сайланганлиги билан самимий қутлади.

Мамлакатни социалистик қурилиш йўлидан қатъий ва изчиллик билан олиб бораётган МХРПнинг XIX съезди ишини СССРдагилар зўр эътибор ва дўстона манфаатдорлик билан кузатиб турдилар, деб таъкидланади табрик телеграммасида. Монгол коммунистларининг марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм асосида КПСС билан МХРП, СССР билан МХР ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга азму қарорини съезд тасдиқлаганлиги мамнуният билан қабул қилинди.

(ТАСС).

## М. С. Горбачев Крилатское микрорайонини бориб кўрди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 31 май куни Москва шаҳрининг Крилатское микрорайонини бориб кўрди. У уй-жой ва маданий-маиший қурилишнинг қандай бораётганлиги билан танишиб, бу қурилишнинг комплекслилиги ва сифатига алоҳида эътибор берди. Магазинларни, комсомол дискотекасини, бошқа социал мақсаддаги объектларни кириб кўрди, ишчиларнинг квартираларида бўлди.

Ана шу микрорайон аҳолиси билан самимий учрашувлар бўлиб ўтди. М. С. Горбачев билан суҳбатда меҳнаткашлар КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, совет жамияти ҳаётининг ҳамма томонларини такомиллаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга, интизом ва тартибни кучайтиришга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга, КПСС XXVII съезди қарорларини сўзсиз бажаришга қаратилган амалий ишларни қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар.

М. С. Горбачевга Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Т. Сайкин билан КПСС Кунцево район комитетининг биринчи секретари И. М. Головков ҳамроҳ бўлдилар.

* * *



**Крилатское микрорайонидаги учрашув пайти.**

**ТАСС фотоси.**

## М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДЎСТОНА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев яқин кунлар ичида дўстона визит билан ВХРга боради.

(ТАСС).

*КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси*

# МАМЛАКАТДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш борасидаги программавий вазифаларни ҳал этиш мутахассисларнинг профессионал, марксча-ленинча тайёргарлигини тубдан яхшилашни тақозо этади. Фан-техника тараққиёти, халқ хўжалигини интенсивлаш кўламлари ва суръатларини кўп жиҳатдан кадрларнинг малакаси, билимдонлиги ва уларнинг юксак гражданлик масъулияти белгилайди. КПСС XXVII съезди қарорларида белгилаб берилган олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш — ҳозирги босқичда жамиятни ривожлантиришнинг сира кечиктириб бўлмайдиган, энг муҳим вазифаларидан биридир.

## I. Олий ва ўрта махсус мактаб ҳамда мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш

СССР олий ва ўрта махсус мактабининг жамият олдида тарихий хизматлари бор.

Бу мактаб тайёрлаган мутахассис кадрлар социалистик қурилишнинг, мамлакатимиз ҳозирги қудратли иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа потенциалини барпо этишнинг мураккаб вазифаларини муваффақиятли адо этишга имкон берди. Қисқа муддат ичида кўп миллатли халқ зиёлилари тайёрланди ва улар моддий ишлаб чиқаришни, маънавий соҳани ривожлантиришга, халқнинг умумтаълим ва маданий савиясини оширишга катта ҳисса қўшдилар.

Ҳамма иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кенг тармоғи ишлаб турибди. Олий мактаб халқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлаш манбаи бўлибгина қолмай, шу билан бирга мамлакат илмий-тадқиқот комплексининг муҳим таркибий қисми ҳамдир. Фаннинг бир қанча янги йўналишларини ривожлантиришда, прогрессив техника ва технологиянинг кўпгина турларини яратишда совет олимлари ва инженер-техник ходимлари устунлик қилмоқдалар.

Бадиий зиёлиларимизнинг ютуқлари бутун дунёда эътироф этилган. Совет олий мактаби кенг кўламда халқаро ҳамкорликни амалга оширмоқда, миллий кадрлар тайёрлашда дунёдаги кўп мамлакатларга катта ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга сўнгги даврда мутахассисларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишда ҳал этилмаған проблемалар тўплана бошлади, салбий ҳодисалар кўпая борди. Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида ҳам ривожланишнинг экстенсив йўли устун даражада бўлди. Мутахассислар тайёрлашнинг тўхтовсиз, баъзи соҳаларда эса асоссиз равишда ўсиши уларни тайёрлаш сифатининг етарли даражада оширилиши билан қўшиб олиб борилмади. Таълим ва тарбия савияси мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини тезроқ ўзлаштириш вазифаларига тўла жавоб бермаяпти.

Олий мактабда асоссиз равишда ихтисосларни бўлиб юбориб, уларнинг сони анча кўпайтирилди, бу эса умумий илмий ва профессионал тайёргарликка салбий таъсир қилди.

Маҳкамачилик ва маҳаллийчилик манфаатларини деб, бир хил мутахассисликлар бўйича кадрларни тайёрлаш кўплаб ўқув юртларига сочиб юборилди. Кўплаб янги ўқув юртларининг ўз ишини ўнглаб олиши чўзилиб кетди.

Актуал проблемаларни чуқур тадқиқ этиш юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш билан узвий боғланган илғор олий ўқув юртлари — чинакам ўқув-илмий марказлари билан бир қаторда битириб чиқувчиларнинг назарий ва амалий жиҳатдан сифатли тайёргарлигини таъминлай олмаётган олий ўқув юртлари ҳам оз эмас.

Ўқув жараёнида ўрганиладиган материал ҳажмини кенгайтиришга зўр берилмоқда, бу эса ўқувчиларга ортиқча иш бўлиб, мустақил ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга путур етказмоқда. Бўлажак мутахассислар билан алоҳида-алоҳида иш олиб боришга етарли эътибор берилмаётир, бунинг учун тегишли шароитлар яратилмаган. Ҳар бир ўқитувчига тўғри келадиган студентлар сони нормативи ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий талабларига мос келмайди. Кўплаб ўқув юртлари ишлаб чиқаришдан ажралиб қолган бўлиб, уларнинг академия ва тармоқ илмий муассасалари билан алоқалари ҳам бўш.

Бунинг натижасида ёш мутахассисларнинг кўп қисми янги туркумдаги техника ва технологияларни яратиш ва улардан фойдаланишга тайёр эмас, технология жараёнларини автоматлаштиришнинг, лойиҳалаш ва илмий экспериментларнинг, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий воситаларини қўлланиш борасида тегишли кўникма олмаяпти. Улар ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш ва ишга солишнинг, ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг самарали методларини яхши ўзлаштириб олмаганлар. Медицина олий ўқув юртини битириб чиқувчилар клиникада етарли тайёргарлик кўрмаганликлари сабабли кўпинча малакали диагноз қўя олмайдилар ва тўғри даволай олмайдилар. Мутахассисликларнинг бошқа группалари бўйича ҳам ўқитиш сифати шу куннинг талабларига жавоб бермайди.

Мамлакат учун зарур бўлган ўрта звено кадрларини тайёрлашда ўрта махсус мактабнинг роли асоссиз равишда камситиб қўйилган, замонавий ишлаб чиқаришнинг ўзгарган шароитларида, профессионал таълим системасида унинг ўрни аниқ белгилаб қўйилган эмас.

Олий ва ўрта махсус таълимни бошқаришни яхшилаш проблемаси ҳам етилди. Ҳозирги пайтда 894 та олий ўқув юрти 74 та иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идораларига бўйсундирилган бўлиб, бу министрликлар ва идораларнинг 30 тасида атиги 1—2 тадан институт бор. Ўрта махсус ўқув юртларига 200 тадан кўпроқ идора раҳбарлик қилмоқда. Кўпгина тармоқ министрликлари ва идоралари ўзларига бўйсунувчи олий ўқув юртларида илмий-педагогик кадрларнинг, ўқув-методика ишларининг тегишли савиясини, шунингдек, уларнинг материал-техника билан жиҳозланишини тегишли даражада таъминлай олмадилар. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига тегишлича раҳбарлик қилинмаяпти, министрлик тармоқ министрликларининг олий ўқув юртларига етарлича таъсир ўтказмаяпти.

Мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системаси ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг таъсирчан воситасига айланмади. Бу система на кўлами, на таълимнинг чуқурлиги бўйича экономикани сифат жиҳатидан янги техника негизига кўчириш вазифаларига мос келмайди.

Бу системадаги ўқув бўлинмаларининг мавжуд тармоғи мутахассислар билимларини мунтазам, оператив тарзда янгилаб боришни таъминлай олмаяпти, шу мақсадда олий ўқув юртларининг имкониятларидан суст фойдаланилмоқда. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш системасига методик раҳбарлик қилиш юзасидан ўз зиммасига юклатилган вазифани тўла бажармаяпти.

Мутахассислар тайёрлаш савияси билан ижтимоий амалиётнинг эҳтиёжлари ўртасида тобора кучайиб бораётган узилишга узоқ вақтгача тегишли баҳо берилмади. Жиддий қийинчиликлар кўпайиб бораётганлиги олий таълимни ривожлантиришдаги аввалги муваффақиятлар соясида қолиб кетди, унинг камчиликлари ва эҳтиёжларига эътибор бўшаштириб юборилди.

Олий ўқув юртларининг моддий базаси етарли маблағ ажратилмаганлиги оқибатида жиддий равишда орқада қолди. Бу база эскириб қолди ва замонавий мутахассислар тайёрлаш вазифаларига жавоб бермаяпти. Олий ва ўрта махсус мактаблар электрон-ҳисоблаш машиналари ва бошқа замонавий техника билан мутлақо қониқарсиз таъминланмоқда. Ўқув бинолари, кутубхоналар, ётоқхоналар етишмаслиги кўзга ташланмоқда. Кадрлардан фойдаланадиган министрликларнинг олий ўқув юртлари ва техникумлар ўқув-лаборатория базаларини мустаҳкамлаш ва уларни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашдаги иштироки арзимас даражада бўлиб, бу ҳам вақти-вақти билан қилинади, мажбурий характерда эмас.

Кўп миқдорда мутахассисларни олаётган бир қанча министрликлар ва идоралар тегишли ўқув юртларини ривожлантиришда амалда ҳеч қандай иштирок қилмаяптилар. Кадрларга таълим беришда бирлашмалар, корхоналар, академия ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари моддий-техника базасидан бўш фойдаланилмоқда. Олий ўқув юртларини юқори малакали профессор-ўқитувчи кадрлар билан комплектлашда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Кафедраларнинг учдан бир қисмидан камроғига профессорлар раҳбарлик қилмоқдалар. Кўпгина асосий кафедралар ўқитувчиларининг асосий қисми етарли амалий тажрибага эга эмас. Олий таълимдаги мавжуд меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва даражаси халқ хўжалигидаги йирик мутахассисларни ва олимларни педагогика ишларига жалб этишни рағбатлантирмайди. Аспирантлар ва студентларни, аввало, амалий тажрибага эга бўлган, шунингдек, запасга ўтказилган ҳарбий хизматчилар орасидаги аспирантлар ва студентларни стипендия билан таъминлашни яхшилаш лозим.

Мутахассислардан фойдаланишдаги катта-катта камчиликлар олий ва ўрта махсус мактаб фаолияти натижаларининг иқтисодий ва социал аҳамиятини анча камайтириб юбормоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш манфаатлари мамлакатнинг барча интеллектуал потенциалини сафарбар этишни тақозо этаётган бир пайтда бу потенциалдан беҳуда фойдаланиш тенденцияси кучайди. Саноатда олий маълумотли ҳар икки мутахассисдан бири ўз малакаси ва мутахассислиги талаб қилинмайдиган лавозимда ишламоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кадрлардан ҳам, ўқитувчилардан ва бошқа кадрлардан ҳам оқилона фойдаланилмаяпти. Мутахассислар тайёрлаш планлари халқ хўжалиги ҳақиқий эҳтиёжларини акс эттирмайди. Бу планлар тартибга солинмаган, кўпинча бузилган штат рўйхатлари асосида, министрликлар ва идораларнинг асосланмаган талабномаларига қараб тузилмоқда, бунинг учун улар ҳеч қандай масъулият сезмайдилар.

Инженерлар составидан фойдаланишда, айниқса, ташвишли аҳвол кўзга ташланмоқда. Инженерлар кўп ҳолларда иш вақтининг атиги учдан бир қисмини конструкторлик-технология, тадқиқот ва аналитик ишларга сарфламоқдалар. Олий техник таълим талаб қилинмайдиган жойларда кўпинча инженерлик лавозими жорий этилмоқда, штатлар рўйхатларида техниклар лавозими улуши анча камайтириб юборилган.

Мутахассислардан фойдаланишдаги таркиб топган бу практиканинг сабаби яна шундаки, уларнинг иш ҳақи даражаси паст. Бажариладиган ишнинг сифати ва мураккаблигига қараб иш ҳақини табақалаштириш мутлақо етарли эмас. Мутахассислар, айниқса, инженерлар меҳнати обрўсининг пасайганлиги жамиятда техника зиёлиларининг социал роли объектив равишда ошганлигига кескин қарама-қарши бўлиб қолди. Мазкур жараёнлар шунга олиб келдики, ёшларнинг инженерлик-техника таълимига интилиши камайди, студентларнинг ўқиш учун масъулияти бўшашиб кетди, олий ўқув юртларига конкурслар камайди.

Шундай қилиб, олий ва ўрта махсус таълимни чуқур қайта қуриш, уни ҳозирги босқичда мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаларига мувофиқлаштириш зарурати етилди.

Экономикага узоқ муддатли таъсир ўтказишнинг, бутун социалистик жамият жадал ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланган олий ва ўрта махсус таълимнинг ролини ошириш давримизнинг энг муҳим талабидир. Мутахассислар тайёрлаш системаси, аввало, олий мактаб таъсирчан восита, ягона давлат илмий-техникавий сиёсатини ўтказиш воситаси бўлмоғи лозим. Халқ хўжалиги тараққиёти истиқболларини илмий прогнозлаш негизида олий мактаб фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг кадрлар ресурсларини олдиндан тайёрлаб бериши лозим.

Ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришда, инсон омилини активлаштиришда олий таълимнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Олий мактабни қайта қуриш давомида жамият маънавий соҳасида, аҳолининг умумтаълим ва маданий савиясини оширишда, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни аста-секин тугатишда, мамлакатдаги барча миллатлар ва элатлар қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашда унинг ролини ошириш талаб қилинади. Совет олий мактаби фаолиятининг демократик принциплари янада ривожлантирилади. Олий таълимнинг ғоявий-назарий, гуманитар мазмунини бойитиш, унинг юксак гражданлик ва шахснинг маънавий фазилатларини тарбиялашнинг асоси бўлган ижтимоий практика билан алоқасини кучайтириш муҳимдир.

Ёшларни, барча меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш ишида ўқув юртларининг жуда катта имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш керак бўлади.

Олий ва ўрта махсус мактабни қайта қуриш натижасида мамлакатимизни фан-техника ва социал тараққиётнинг илғор марраларига олиб чиқишни гарантияловчи мутахассислардан фойдаланишни тубдан яхшилаш билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда мутахассис кадрлар тайёрлашнинг янги сифати таъминланиши лозим. Партия олий мактабни кадрлар сиёсати бутун системасининг муҳим қисми, деб ҳисоблайди. Олий ва ўрта махсус таълимнинг халқ хўжалигини техника билан қайта реконструкциялашга нисбатан илдам ривожланишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

## II. Таълим, ишлаб чиқариш ва фанни интеграциялаш

Олий ва ўрта махсус таълимнинг ишлаб чиқариш ва фан билан мустаҳкам боғлиқлиги, уларнинг ўзаро ҳаракатларида янги принципларга ўтиш олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг энг муҳим йўналиши ва асосий воситасидир. Кадрларга таълим ва тарбия бериш даражасини жиддий равишда ошириш, бу кадрлардан фойдаланишни яхшилашда олий ўқув юртлари, корхоналар, ташкилотлар, илмий ва маданий муассасалар, колхозлар ва совхозлар ўзаро манфаатдорлиги ва масъулиятини анча кучайтиришни таъминлайдиган чора-тадбирлар системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Улар ўртасидаги муносабатларнинг янги типи кадрларни давлат йўли билан, планли асосда, бу мақсадларга кетадиган харажатларнинг бир қисмини халқ хўжалиги тармоқлари ҳисобидан қоплаган ҳолда маълум мақсадни кўзлаб тайёрлаш ва қайта тайёрлашни кўзда тутувчи шартнома мажбуриятларига асосланиши керак

Олий ўқув юртлари давлат планлари доирасида тузилган шартномаларга мувофиқ зарур миқдорда ва белгиланган муддатда кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юксак савияда ўтказишлари лозим, халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналари эса мутахассисларни ўқитиш учун харажатларни қисман таъминлашлари ҳамда ўқишни битирганлардан оқилона фойдаланиш учун шароит яратишлари керак. Ана шундай узоқ муддатли муносабатлар негизида мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда корхоналар ва ташкилотлар иштирокини кучайтириш лозим бўлади.

Айни ишлаб чиқариш ўз моҳияти жиҳатидан асосий моддий база, кадрлар тайёрлаш учун табиий майдон эканлигидан келиб чиқиб, кафедраларнинг филиалларини, тадқиқот лабораторияларини, экспериментал участкаларни ўз ичига олувчи ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплексларини барпо этиш йўли билан ўқитиш жараёнининг бир қисмини ишлаб чиқаришга ўтказишдан иборат прогрессив практикани кенгайтириш лозим. Шунингдек, етакчи бирлашмалар, заводлар ва фабрикалар, илмий ҳамда конструкторлик ташкилотлари, даволаш муассасалари, агросаноат комплекси корхоналари таркибида тармоқ ўқув марказлари ташкил этиш практикасидан ҳам фойдаланилсин. Бу — кадрларга фундаментал таълим беришни, уларни конкрет, амалий фаолият шароитида ишлашга тайёрлашни қўшиб олиб бориш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Олий мактабнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини кучайтириш, олий ўқув юртлари ва корхоналар ўртасида кенг кўламда кадрларни айирбошлаш учун тағин ҳам қулай шароит яратади. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқувчи кишилар ўз корхоналари учун мутахассисларни тайёрлашда, профессор ва ўқитувчилар эса инженер-техник ходимлар малакасини оширишда, уларнинг назарий билимларини бойитишда иштирок этишлари лозим. Бу эса ўқув жараёнининг практика билан ҳар томонлама алоқасини гарантиялайди. Ўқитувчилар, айниқса, амалий тажрибага эга бўлмаган ёш ўқитувчилар малакасини ошириш ишларини яхшилаш учун ҳам янги имкониятлар очилмоқда.

Олий ўқув юртларининг конкрет тармоқлар ва корхоналар билан тағин ҳам мустаҳкам алоқаси илмий тадқиқотларни амалга оширишда шартнома муносабатларини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради. Тажриба-экспериментал ишларни ўтказишда ҳамда ниҳоясига етказилган ечимларни жорий этишда олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқариш мутахассисларининг баҳамжиҳат ҳаракатларини кучайтиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Қўшма лабораториялар, конструкторлик бюролари, экспериментал ишлаб чиқаришни ташкил этиш практикасини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Кадрларни тайёрлаш харажатларининг бир қисми моддий ишлаб чиқариш тармоқлари томонидан қопланиши олий ўқув юртларида ўқув-илмий жараёнларни модернизациялаш учун қўшимча маблағларни жалб этишни таъминлайди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондлари, шунингдек, тармоқлар ва корхоналарнинг кадрлар тайёрлашга, илмий тадқиқотлар ўтказишга ажратиладиган маблағлари олий ўқув юртларида ўқув-илмий жараёнларни модернизациялашни маблағ билан таъминлаш манбаи бўлиши мумкин. Бундан ташқари тармоқларни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш планларида олий ўқув юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга капитал маблағ ажратишни ҳам кўзда тутиш лозим. Ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш ёки янги мутахассисликларни жорий этиш манфаатдор тармоқларнинг бир йўла ажратиладиган капитал маблағлари ҳисобига бўлиши қоида тусига кирмоғи керак. Зарур бўлиб қолган ҳолларда шартнома принципларини университетлар ва институтларнинг илмий муассасалар билан ўзаро муносабатларига ҳам татбиқ этиш мумкин бўлур эди.

Кадрларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлашнинг янги механизмига ўтиш ва шу асосда мутахассислар тайёрлаш ҳажмини белгилашнинг бюрократик методларини енгиш — олий ва ўрта махсус мактабнинг ишлаб чиқариш билан ўзаро ҳаракатларини яхшилашнинг муҳим йўналишидир. Кадрларга эҳтиёжни ўрганишда ва уларнинг профессионал-малака структурасини белгилашда корхоналар ва ўқув юртларининг мутахассислар иш жойларини аттестациядан ўтказиш, ходимларнинг вазифаларини ва меҳнати мазмунини аниқ белгилаб бериш соҳасидаги биргаликдаги фаолиятига таяниш керак. Худди шу тарзда иш тутиш мутахассислар тайёрлашда кўпинча бўладиган яширин ортиқчаликни тугатишга ёрдам бермоғи лозим. Ана шу асосда халқ хўжалиги тармоқларида штат рўйхатлари янги структурасини ишлаб чиқиш, бошқарув аппаратининг ҳамма бўғинларида ортиқча инженерлик лавозимларини қатъий тугатиш лозим. Ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатдан таъминлаш нормативлари Ватанимиздаги ва чет элдаги амалиёт ютуқларини ҳисобга олган ҳолда қатъий илмий асосда белгиланиши керак. Шу билан бир пайтда шартнома муносабатлари бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, социология, психология соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни кенгайтиришга ёрдам бериши лозим.

Кадрлар структурасини такомиллаштиришни инженер-техник ходимларни уларнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қўшган реал ҳиссасига қараб маънавий ва моддий рағбатлантиришни яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар билан мустаҳкам мувофиқлаштириш зарур. Бунда инженерлар ва техниклар меҳнатига ҳақ тўлашнинг бошқа категориядаги ходимлар иш ҳақи билан асосланган нисбатини белгилаш керак.

Шу билан бирга кадрлар тайёрлашга талабнома асоси бўлиш учун, шунингдек, ишлаб чиқаришда ёш мутахассисларнинг муқим ўрнашиб қолиши, уларга тегишли меҳнат ва турмуш шароити яратиб бериш масалаларини ҳал этиш учун министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар масъулиятини ошириш юзасидан ҳуқуқий ва маъмурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Олий ўқув юртлари эса мутахассислардан оқилона фойдаланиш, уларнинг профессионал ўсиши ҳамда меҳнати самарадорлигининг ортиши тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришлари керак. Вазифа шундай қўйилмоқдаки, олий мактаб ўзи тарбиялаган мутахассисларнинг билимлари уларнинг бутун амалий фаолияти давомида юксак даражада бўлишини сўзсиз таъминлаши керак.

Олий мактаб билан ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, кадрлар тайёрлаш савиясига баҳо беришда шу кадрлардан фойдаланувчиларнинг ролини ошириши лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

# МАМЛАКАТДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ
# АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

юртларининг бошқарув органлари билан тармоқ министрликлари, шунингдек, ўқув юртлари билан ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ўртасида тузилган узоқ муддатли комплекс шартномалар асосида кенг миқёсли социал-иқтисодий ва илмий-техникавий проблемаларни ҳал этиш учун хўжалик шартномалари асосидаги ишлар ривожлантирилсин.

Олий ўқув юртларининг тугалланган ечимларини жорий этишни тезлаштириш учун мутахассисларни аниқ мақсадни кўзлаб тайёрлаш, шунингдек корхоналарнинг ходимларини қайта тайёрлаш йўли билан ана шу ечимларнинг кадрлар билан бирга йўлланиши практикаси жорий этилсин.

Изланиш ва фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, экспериментал ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ва янгилаш мақсадида олий ўқув юртларига илмий тадқиқот ишларини бажариш тўғрисидаги хўжалик шартномаларида шу ишлар смета қийматининг 20 процентини миқдорида план жамғармаларини кўзда тутишга рухсат берилсин.

Энг самарали янгиликларни конструкторлик ва экспериментал жиҳатдан тўлиқ ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш учун ўқув юртларининг, тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари, корхоналарнинг олимлари ҳамда мутахассисларидан иборат муваққат коллективларни тузиш практикаси анча кенгайтирилсин.

Олий мактабда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини моддий-техника жиҳатидан таъминлашни тубдан яхшилаш, «Фан ва илмий хизмат кўрсатиш» тармоғи учун белгиланган тартибни уларни таъминлашни ташкил этишда ҳам ёйиш зарур.

Олий ўқув юртларининг илмий коллективларида фан-техника тараққиётининг жадаллаштирилиши учун юксак гражданлик масъулияти ва талабчанлиги муҳитини вужудга келтириш керак.

қуроллар ва таълимнинг техник воситалари билан таъминлаш соҳасида ўқув жараёни даражаси кескин ўсганлигини назарда тутган ҳолда ягона техникавий сиёсат изчиллик билан ўтказилсин. Бундай таъминлашнинг илмий жиҳатдан асосланган нормативлари ишлаб чиқилсин. Халқ хўжалигининг мустақил кичик тармоқлари сифатида типовой ўқув-лаборатория ускуналари ишлаб чиқаришни ривожлантириш таъминлансин. Ўқув-лаборатория техникасини яратиш учун конструкторлик ва ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланиб, бу техникани кўплаб ишлаб чиқариш учун тармоқ министрликлари қувватларидан фойдаланилсин. Олий мактаб учун полиграфия асбоб-ускуналари ва нусха кўчириш техникаси кўплаб етказиб берилсин. Олий ўқув юртлари кутубхоналарининг моддий базасини ривожлантиришга, уларнинг фондларини янгилашга алоҳида эътибор берилсин.

Ўн иккинчи беш йилликда ўқув жараёнининг электрон-ҳисоблаш техникасига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш зарур. Шахсий компьютерлар ва терминал қурилмалар билан жиҳозланган тахминан 130 мингта иш жойи вужудга келтирилсин. Олий ўқув юртлариаро коллектив фойдаланиш тармоқларини, ахборот банкларини ташкил этишга оид ишлар кенгайтирилсин, таълим жараёни ва илмий тадқиқотларга ахборот хизмати яхшилансин. Программалаштиришнинг олий ўқув юртлариаро марказларини барпо этиш кенгайтирилсин. Олий мактаб алгоритмлари ва программаларининг ягона фонди ташкил этилиб, амалий программаларни кўпайтириш ва программа пакетлари билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

## VII. Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг сифат составини яхшилаш — олий таълимни ва илмий тадқиқотларни юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили

Таълим-тарбия жараёнининг сифати аввало профессор ва ўқитувчилар состави билан белгиланади. Ижтимоий тараққиётнинг бутун бориши олий ўқув юртларининг илмий-педагог кадрларини фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашнинг олдинги маррасига чиқармоқда. Профессор-ўқитувчилар составини шакллантиришни анча яхшилаш, ёш илмий-педагог ходимларнинг ижодий қобилиятлари ва маҳорати намоён бўлиши учун қулай шароитларни яратиш лозим бўлади.

Асосан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантура орқали фан кандидатларини тайёрлаш кенгайтирилсин. Илм-фанни кўп талаб этадиган ишлаб чиқаришнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олиб, бу иш кўламларини ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Биринчи навбатда, одатда ўзи танлаб олган илмий йўналиш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар ҳисобидан қобилиятли ёшларни аспирантурага танлаб олиш такомиллаштирилсин. Аспирантларни илмий ва идеологик жиҳатдан тайёрлаш савияси анча оширилсин. Диссертация тадқиқотларининг тематикаси фан ва техниканинг устун йўналишларида жамлансин. Ёш мутахассисларни стажер ўқитувчи ва стажер тадқиқотчи лавозимларидаги мустақил илмий-педагогик фаолиятга тайёрлаш практикасини ташкил этиш яхшилансин ва кенгайтирилсин. Мақсадли аспирантурага танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби қайта кўриб чиқилсин. Аспирантларнинг стипендияси оширилсин, уларнинг уй-жой, маиший шароитлари тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилсин.

Етакчи олий ўқув юртларининг, академия ва тармоқ илмий муассасалари ҳузурида докторантура ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Уларга ижодий ютуқларга эришган ва танлаб олинган темаси юзасидан етарлича илмий асосга эга бўлган фан кандидатлари юборилсин.

Назарий ва амалий қайта тайёрлашни қўшиб олиб бориш асосида ўқитувчилар малакасини оширишни ташкил этишни анча яхшилаш ва унинг таъсирчанлигини ошириш керак. Ўқитувчиларнинг халқ хўжалиги тармоқларида мутахассислар лавозимларидаги узоқ муддатли (1—2 йиллик) стажировкаси, уларнинг ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишда бевосита қатнашиши кўзда тутилсин.

Ўқитувчиларнинг сиёсий таълимига, уларнинг марксизм-ленинизм назарияси, КПСС сиёсати актуал проблемаларини ўрганишларига эътибор кучайтирилсин, методология семинарларининг иши активлаштирилсин.

Илмий даражалар ва илмий унвонлар беришнинг мавжуд тартиби такомиллаштирилсин. Профессор ва доцент унвонлари бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига топширилсин.

Илмий-педагог ходимларнинг конкурс бўйича қайта сайланиш системаси жорий этилсин, уларнинг педагогик ва илмий малакасига, ғоявий-маънавий қиёфасига, мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашга қўшаётган реал ҳиссасига нисбатан талабчанлик кучайтирилсин. Олий мактабларнинг раҳбарларига зарур ҳолларда ўқитувчилик лавозимига талабгор конкурсга мувофиқ сайлангунга қадар бир йиллик синов муддатини белгилаш ҳуқуқи берилсин. Олий мактабларнинг илмий-педагогик коллективларида ташаббускорлик ва ижодкорлик, юксак интизом, ўзаро талабчанлик ва принципиаллик вазияти, қолоқлик, эскилик, ошна-оғайнигарчилик кўринишлари ҳамда бошқа салбий кўринишларга қарши кураш вазияти қарор топтирилсин.

Яқин йиллар мобайнида Сибирь, Шимол ва Узоқ Шарқдаги янги олий ўқув юртларини малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш лозим. Етакчи профессор-ўқитувчилар коллективлари ана шу олий ўқув юртларига ҳар томонлама, шу жумладан таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда ва илмий тадқиқотларни ташкил этишда бевосита қатнашиш учун тажрибали илмий педагог ходимларни командировка қилиш йўли билан ёрдам беришлари лозим.

Халқ хўжалигининг йирик мутахассисларини ва илмий институтларнинг ходимларини педагогика ишларига кенг жалб этиш учун шарт-шароитлар яратилсин. Уларнинг кадрлар тайёрлашда ва улар малакасини оширишда қатнашишини рағбатлантирадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби белгилансин. Умумилмий фанларнинг кафедралари университет маълумоти бўлган мутахассислар билан мустаҳкамлансин.

Профессор-ўқитувчилар состави лавозимларининг номенклатураси таълим жараёнининг ҳозирги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилсин. Олий ўқув юртлари ходимларининг иш ҳақи оширилсин, ўқитувчилик меҳнатини моддий рағбатлантириш кучайтирилсин. Олий мактаблар профессорлари ва доцентларининг пенсия таъминотини ошириш чоралари кўрилсин. Профессор-ўқитувчи кадрларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини, уларга медицина ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилашга доимо эътибор берилсин. «Иттифоқдош республикада хизмат кўрсатган олий мактаб ходими» фахрий унвонини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

## VIII. Мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашда олий мактабнинг ролини кучайтириш

Ҳозирги фан-техника революцияси шароитида, илмий билимлар, техника ҳамда технология тез эскириб ва янгиланиб бораётган бир шароитда мутахассисларнинг олий мактабдан кейинги ялпи таълими объектив равишда биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Янги асосда кадрларни қайта тайёрлаш ва профессионал ўстириш ягона давлат системасини ташкил этиш керак. Уларнинг малакасини вақти-вақти билан (амалда эса онда-сонда) оширишнинг мамлакатда таркиб топган тартибидан улар билимини узлуксиз, оператив равишда тўлдириб туриш ва янгилаш системасига ўтиш зарур. Ҳар бир ходим кун, ҳафта, ой ва йилнинг муайян бир вақтини малака оширишга, фан, техника, маданият ва илғор тажрибанинг замонавий ютуқларини эгаллашга бағишлаши қатъи қоида бўлиб қолиши керак.

Шу мақсадда бирлашмалар, муассасалар, корхоналарда, барча ташкилотларда мутахассисларга узлуксиз таълим беришнинг доимий ишлайдиган турли формаларини ташкил этиш, уни ҳар қандай меҳнат коллективининг самарали фаолиятини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти деб билиш керак. Шу билан бир қаторда ҳар бир мутахассис камида ҳар беш йилда бир марта асосан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда махсус ўқув юртларида уч ойгача муддат билан ўзининг профессионал билимини тубдан янгилашига эришиш лозим. Бундан ташқари ишлаб чиқаришдаги заруратга қараб мутахассислар ва раҳбар кадрлар қайта тайёргарликдан ўтишини таъминлаш зарур.

Ҳозирги талабларга мувофиқ ўқув юртларининг, шу жумладан тармоқ, тармоқлараро ўқув юртлари ва регионлардаги ўқув юртлари давлат шохобчасини зарур миқёсларда ривожлантириш ва тартибга солиш керак бўлади. Мазкур шохобча конкрет масалалар юзасидан мустақил билим олиш эҳтиёжлари ва консультациялардан бошлаб турдош ихтисосларни эгаллагунча кадрларни ўқитишга доир жуда хилма-хил талаб-эҳтиёжларни қондириши лозим. Халқ хўжалиги тармоқларида ўқув марказлари ва мактабларга, малака ошириш факультетлари ва институтларига эга бўлиш ҳаётий заруратдир. Ходимларнинг билимларини янгилаш борасидаги кўп қиррали ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш учун ҳар бир тармоқда малака ошириш бош институтини очиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг фаолияти илмий-техника ахбороти хизматларининг иши билан қўшиб олиб борилишини таъминлаш керак.

Мутахассисларни қайта тайёрлаш ишида олий мактабнинг ролини ошириш, унинг илмий педагог кадрларидан яна ҳам тўлиқроқ фойдаланиш — умумдавлат аҳамиятига молик вазифадир. Министрликлар ва идоралар билан кооперациялашган ҳолда олий ўқув юртлари ҳузурида асосан фан ва техниканинг янги йўналишлари бўйича мутахассислар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тармоқлараро ва тармоқ ўқув марказлари, институтлари ва факультетлари ташкил этилсин. Олий ўқув юртлари ҳузурида муайян программа бўйича билим олиш, компьютер техникасини эгаллаш маҳорати ва кўникмасини орттириш, чет тилларни ўрганиш ва шу кабиларни истовчи гражданлар учун хўжалик ҳисобидаги курсларни ташкил этиш практикаси жорий этилсин. Малакасини мустақил ошираётган кадрлар билан ишлашни тартибга солиш мақсадида олий ўқув юртлари ҳузурида консультациялар бериш ва уларнинг билим савиясини контрол қилиш учун махсус хизматлар (бўлимлар) ташкил этилсин.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги узлуксиз малака ошириш бутун системасига таълим мазмуни, шу типдаги ўқув юртларини ривожлантириш, қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ташкилий-методик раҳбарликни ҳамда давлат йўли билан инспекция қилишни кучайтириши зарур.

Аттестацияни малака ошириш натижаларига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш асосида, кадрларнинг шахсий масъулияти ва манфаатдорлигини ошириш, мутахассисларнинг ишчанлик фазилатларини ўстириш ва шу аснода иш ҳақи даражасини белгилаб бориш муҳимдир. Малака оширишнинг барча турлари ва формалари мутахассиснинг малака аттестатида акс эттирилиши керак.

Шу билан бир қаторда кадрларнинг ишлаб чиқариш, шунингдек ноишлаб чиқариш соҳаларидаги янги вазифаларни ҳал этишга тайёргарлик даражаси ва улар ўз вақтида тайёрланиши, малака ошириш системасининг барча бўғинлари самарали ишлашида зарур шароитлар яратилиши учун министрликлар ва идораларнинг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг масъулиятини анча ошириш зарур. Малака ошириш системасининг иши мамлакатни, халқ хўжалиги тармоқларини, бирлашмалар ва корхоналарни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини муваффақиятли бажариш вазифаларига бўйсундирилсин.

Фан, техника ютуқларини, илғорлар тажрибасини муттасил ва тез эгаллаб олиш ҳар бир мутахассис учун нормал ва ҳаётий эҳтиёж бўлиб қолиши керак. Давлат барча гражданларга узлуксиз таълим ягона системасини яратиш ҳамда ривожлантириш негизида уларнинг малакасини муттасил ошириш учун қулай шароитларни таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Олий мактаб ана шу система марказида бўлиб, у мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб олий ўқув юртларигача юқори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш учун масъулдир, мутахассисларни фундаментал асосдаги таълим билан бир қаторда олинган билимларни янгилаш кўникмалари билан қуроллантириши, малака оширишнинг барча формаларига ўз таъсирини кучайтириши керак.

## IX. Олий ва ўрта махсус мактабни техника билан қайта таъминлаш — унинг фаолияти самарадорлигини оширишнинг зарур шарти

Таълим-тарбия жараёни вазифалари мураккаблашаётганлиги, илмий тадқиқотлар ривожланаётганлиги олий ва ўрта махсус мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш комплекс масалаларини тубдан ҳал этишни талаб қилади. Бу соҳага аниқ мақсадни кўзлаб зарур ресурслар, шу жумладан тегишли тармоқ министрликлари ва идораларининг маблағларини анча ошириш ҳисобидан зарур ресурслар ажратишни таъминлаш керак. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ривожлантиришга ажратилаётган маблағлардан оқилона ва тўлиқ фойдаланишга эришилсин. Шу билан бир қаторда студентларни ўқитишда бирлашмалар, илғор корхоналар, илмий муассасаларнинг замонавий базасидан янада активроқ фойдаланиш йўли оғишмай амалга оширилиши керак.

Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ўқув-лаборатория майдонлари белгиланган нормативларга етказилсин, муҳтож бўлган ўқувчилар, тингловчилар ва аспирантлар ётоқхоналар билан таъминлансин. Бунинг учун жами саҳни тахминан 18 миллион квадрат метр бўлган ўқув-лаборатория бинолари, шунингдек студентлар ва аспирантлар учун 630 минг ўринли ётоқхоналар қуриш зарур. Ҳар бир студентга мустақил ўқув ишлари, маданий савиясини ошириши, физкультура ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратилсин. Профессор-ўқитувчилар состави учун уй-жойлар қурилсин. Олий ўқув юртлари студентлари ва ўқитувчиларига маиший хизмат кўрсатиш замонавий даражада ташкил этилсин.

Олий ўқув юртларининг ўқув-илмий комплексларини, студентлар шаҳарчаларини лойиҳалаш яхшилансин, уларда ихтисослашган социал-маиший, маданий, спорт объектлари ва иншоотлари қуриш кўзда тутилсин. Архитектура-планлаштириш ечимлари шаҳарсозликнинг энг юксак эстетик талабларига мос бўлиши зарур.

Министрликлар ва идораларнинг планларида халқ хўжалиги тармоқлари олий мактабга берадиган маблағлар ҳисобига олий ўқув юртлари биноларини қуришга оид лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларига лимитлар ажратиш кўзда тутилсин.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини лаборатория асбоб-ускуналари, кўргазмали

## X. Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни бошқаришни такомиллаштириш

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш системасига марказлаштирилган тартибда раҳбарлик қилишни яхшилаш, бу ишни ўқув юртларини бошқарув демократик асосларини, мустақиллиги ва ижодий ташаббускорлигини кенгайтириш, ўқувчи-ёшларга таълим ва тарбия беришнинг барча масалалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш — даврнинг қатъи талабидир.

Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ролини анча кучайтириш, унинг диққат-эътиборини олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантиришнинг туб масалаларини ҳал этишга қаратиш, ҳуқуқларини кенгайтириш лозим; тўла даражада қуйидагилар таъминлансин:

мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тенденциялари ва суръатларини ҳисобга олиб, олий ва ўрта махсус таълимни узоқ муддатли прогнозлари, перспектив ва жорий планлаштиришнинг юксак сифати ва илмий жиҳатдан асосланган бўлишини таъминлаш керак. Шу асосда олий ўқув юртларини ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, кооперацияни кенгайтириш ҳамда кадрларга таълим беришда ўзини оқламаган параллелизмни бартараф этиш, мутахассисликлар номенклатураси ва таълим мазмунини мунтазам такомиллаштириш таъминлансин;

кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш савиясини, илмий ечимлар самарадорлигини ошириш манфаатларини кўзлаб, олий мактабнинг ишлаб чиқариш ва фан билан алоқасидан самарали фойдаланиш таъминлансин, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги давлат планлари доирасида турли министрликлар ва идораларга бўйсунувчи олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш кўламини тармоқлар ана шу мақсадларга ажратаётган маблағларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиб туришни амалга оширсин;

методик бирлашмалар орқали ўқув юртлари тармоқ группаларига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг таъсирини кучайтириш йўли билан ҳамда олий мактаб регионал марказлари орқали шаҳар ва иқтисодий районларда бу ўқув юртлари фаолиятини мувофиқлаштириб, мамлакатдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига илмий-методик раҳбарлик қилиш самарадорлигини ошириш таъминлансин. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги контрол қилиб бориш вазифаларини ҳамда таълим сифатини давлат йўли билан инспекция қилишни кучайтириши, олий ўқув юртларида аттестацияни жорий этиши лозим. Шунингдек, илмий-педагогик ва раҳбар кадрларни танлаш ҳамда жой-жойига қўйишда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг таъсирини кучайтириш, олий ўқув юртлари қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар уларнинг ректорларини тайинлаш ва ишдан бўшатишда мазкур министрликнинг ҳуқуқларини кенгайтириш лозим.

Илғор олий ўқув юртлари базасида бир-бирига яқин мутахассисликлар группаси бўйича СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ўқув-методик бирлашмалари тузилиши ўқув юртларини бошқаришнинг илмий асосларини кучайтириши керак. Ўқув жараёнида фан ва техника тегишли тармоқлари тараққиётининг энг муҳим манфаатлари ҳамда тенденцияларини мунтазам акс эттиришда ана шу бирлашмалар олий ўқув юртларига ёрдам беради. Улар олимларнинг куч-ғайратларини ўз соҳасида энг муҳим илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга қаратишда, мазкур профилдаги ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш ҳамда илмий-методик жиҳатдан таъминлашда кўмаклашадилар.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги регионал марказлари фаолияти ректорлар ва ўрта махсус ўқув юртлари директорлари кенгашларининг мамлакатда тўпланган ижобий иш тажрибасига асосланади. Ўқув-методик ва тарбиявий ишлар соҳасида илғор тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштиришни, территориал тематик бобида олий ўқув юртлари илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириб боришни, регионлардаги корхоналар ва ташкилотларга илмий-техникавий ёрдам беришни ана шу марказлар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир. Бундай марказларда олий ўқув юртлариаро ўқув-илмий бўлинмалар, ҳисоблаш марказлари, кутубхоналар, полиграфия базаси, экспериментал-ишлаб чиқариш корхоналари, ремонт-қурилиш ташкилотлари, медицина, уй-жой ва маданий-маиший хизмат муассасалари ташкил этиш кўзда тутилсин.

Олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши даражаси, тегишли малакадаги илмий-педагогик кадрлар ҳамда тегишли моддий-техника базаси мавжудлиги юзасидан вақти-вақти билан аттестация ўтказиб туриш мазкур олий ўқув юртида мутахассисликлар номенклатурасини ҳамда мутахассислар тайёрлаш ҳажмини тартибга солиб туришга асос қилиб олиниши лозим. Аттестация натижаларига қараб, кадрларга узайтирилган муддатда чуқур таълим бериш, шунингдек, ўқитувчиларнинг малакасини оширишни бажариш ҳуқуқи ва имконини берадиган олий ўқув юртлари аниқлансин. Олий ўқув юртларини йириклаштириш йўли билан мутахассисларга таълим беришни аста-секин марказлаштиришни таъминлаш, олий ўқув юртлари тармоғини тартибга келтириш лозим бўлади.

Олий ўқув юртлари ҳуқуқлари ва масъулиятини кенгайтириш, улар фаолиятини икир-чикиригача белгилашга барҳам бериш, расмиятчилик ва қоғозбозликни бартараф этиш йўлини ўтказиш лозим. Олий ўқув юртлари ва факультетларни бошқариш структураси такомиллаштирилсин, таълим жараёнини планлаштириш ва унга илмий-методик раҳбарлик қилишни таъминлайдиган бўлинмалар мустаҳкамлансин.

Ўз қарамоғида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўлган тармоқ министрликлари ва идоралар уларга раҳбарлик савиясини ва таъсирчанлигини жиддий равишда ошириб, таълим-тарбия ва илмий-ишлаб чиқариш фаолияти мустаҳкам алоқасини тўла таъминласинлар, айни пайтда таълим бериш ҳамда илмий тадқиқотларни ўтказишга тор маҳкамачилик билан прагматик ёндашув кўринишларини тугатсинлар. Фан-техника тараққиёти манфаатларини кўзлаб, ўқув юртлари ва корхоналарнинг кадрлари ҳамда моддий-техника имкониятларини уйғун равишда бирлаштириш негизида ҳар бир олий ўқув юрти тармоқнинг чинакам ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида шаклланиши тезлаштирилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари республикага бўйсунувчи олий ва ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарликни жиддий равишда яхшилашлари зарур. Мутахассислар тайёрлашда республикалараро кооперацияда иштирок этиб, ўзларига бўйсунувчи олий ўқув юртлари ва техникумларнинг фаолиятини республика ва территориал халқ хўжалиги комплексларини кадрлар билан таъминлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қаратсинлар. Ўқув юртларининг ўқув-лаборатория базаларини мустаҳкамлаш учун республиканинг манфаатдор министрликлари ва идоралари куч-ғайратлари бирлаштирилсин.

Ҳар бир олий ўқув юрти, техникум, билим юрти аҳволи ва фаолиятини қисқа муддат ичида аниқлаб чиқиш, унинг илмий-педагогик потенциалини, манфаатдор тармоқлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишда уларнинг роли ва ўрнини тўғри баҳолаш, олий ва ўрта махсус мактабни қайта қуриш вазифаларидан келиб чиқадиган конкрет чора-тадбирларни белгилаш — олий ва ўрта махсус ўқув юртлари барча бошқарув органларининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Мутахассислар тайёрлаш юзасидан халқ хўжалиги планлари тузишни яхшилаш, кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун министрликлар, идоралар, корхоналар масъулиятини ошириш керак. Иқтисодий ва социал тараққиётнинг давлат, республика ва тармоқ планларида мутахассислар, илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш юзасидан топшириқлар кўзда тутилсин. СССР Госплани, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда энг муҳим давлат программаларини: Озиқ-овқат, Энергетика, Машинасозлик программаларини; Халқ хўжалигини химиялаштириш программасини; электрон-ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган системалар яратиш, ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш; Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш программасини, бошқа Умумиттифоқ програмаларини кадрлар билан комплекс таъминлашни амалга оширсинлар.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети халқ хўжалигида мутахассислардан фойдаланишни давлат йўли билан инспекция қилишни кучайтирсин, бу фаолиятда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг бошқарув органлари кенг иштирок этиши таъминлансин. Кадрлардан ноўрин фойдаланишга йўл қўяётган идоралар ва корхоналарга иқтисодий ва ижтимоий таъсир ўтказиш воситаларидан актив фойдаланилсин.

* * *

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари ўқув юртларига партиявий раҳбарликни яхшилаб, раҳбар ва илмий-педагогик кадрларни танлаш ҳамда жой-жойига қўйишда, коллективларда юксак принципиаллик ва чинакам ижодкорлик муҳитини вужудга келтиришда бу ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотларининг ролини ва жавобгарлигини оширсинлар. Ўқитувчилар, илмий ходимлар ва студент ёшлар орасида партия аъзолари сафини кўпайтириш йўли ўтказилсин, олий ўқув юртлари ва техникумлар фаолиятининг туб масалалари: ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий-педагогик кадрлар малакасини ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифати учун уларнинг масъулиятини кучайтириш масалаларининг ҳал этилиши диққат-эътибор билан доимий партия контроли остига олинсин.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш институтлари ҳамда факультетлари фаолиятига касаба союз, комсомол ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг эътибори кучайтирилсин.

Халқ маорифини ривожлантириш ва такомиллаштириш — Коммунистик партия ва Совет давлатининг бунёдкорлик фаолияти асосий йўналишларидан бири, ҳозирги босқичда кадрлар сиёсатининг бош масаласидир.

Қайта қуриш жараёнида қўлга киритилган энг яхши ютуқларни, профессионал таълим социалистик системаси принципиал негизларини мустаҳкамлаш керак. Шу билан бирга уни янада ривожлантириш йўлидаги барча ғовларни бартараф этиш, ижод ва ташаббускорлик учун кенг имконият яратиб бериш, совет жамиятини ривожлантиришда, унинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий потенциалини ўстиришда, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда олий ва ўрта махсус мактаб, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш системаси қўшадиган ҳиссани кўпайтириш зарур.

Олий ва ўрта махсус мактабни қайта қуриш умумдавлат кўламидаги катта тадбир бўлиб қолиши лозим. Белгиланаётган тадбирларнинг кўп қиррали ва чуқур эканлигини ҳисобга олиб, уни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Қайта қуришни КПСС XXVII съезди олға сурган иқтисодий, социал ва ташкилий-бошқарув вазифаларини ҳал этиш билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда амалга ошириш керак.

# Мукофотлар топширилди

31 май куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида Давлат мукофотлари топширилди.

Фарғонадаги электр тармоқлари корхонасининг навбатчи электр монтёри У. Абдусатторов, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти Е. И. Баранцов, СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати штабиклар пайвандчиси Г. Матказиев, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси 9-шахтаси тозалаш забойи кон ишчиларининг бригадири А. П. Романюк ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун Ленин ордени билан тақдирландилар.

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг проходкачиси Р. С. Алимов, ВЛКСМ 40 йиллиги номли Ангрен ГРЭСи буғ қозонининг катта машинисти Э. Алматов, «Андижаннефть» нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси кон-қудуқлар ер ости ремонти оператори И. Эргашев, СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг директори П. С. Мақсудов, «Ангренский» кўмир разрезининг экскаватор машинисти Л. Мирсаитов, Тошкент ГРЭСи энергетика блокининг машинисти С. С. Орлов, «Ўзбекгеофизика» бирлашмаси партиясининг катта геофизиги В. А. Рзаева, Фарғона гидрогеология экспедицияси участкасининг бошлиғи А. М. Рухленко, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кон бошлиғи А. И. Шабанов, Қоровулбозор нефть-газ қидириш экспедициясининг пармаловчиси А. Эшонқулов Октябрь Революцияси орденига сазовор бўлдилар.

Республика халқ хўжалиги турли тармоқларининг ишлаб чиқариш илғорларидан катта бир группасига СССР орден ва медаллари топширилди. Халқ зиёлилари вакилларидан бир группаси Ўзбекистон ССР фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни, кўкракка тақиладиган тегишли нишонларни, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини олди. Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский топширди. (ЎзТАГ).

